VI.КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 15050 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2686 тага кўпайган.

2019 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 54,4 фоизи (2018 йил январь-декабрида 55,2 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2825,5 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 22,2 фоизи) ташкил этди; (саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2294 тани ташкил этди)

- 7986,1 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,5 фоизи) ташкил қилди; (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2025 тани ташкил этди)

- 2706,3 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 32,1 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 114,1 фоизни ташкил этди;

- 2853,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 89,1 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 27,0 фоизга кўпайди; (қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2138 тани ташкил этди)

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 5,5 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 88,8 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,1 фоизи) кўпайиши таъминланди; (транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 827 тани ташкил этди)

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 87,6 фоизи ёки 4936,6 млрд. сўми (ўсиш 9,3 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 54,3 фоизи ёки 3031,6 млрд. сўми (ўсиш 6,9 фоиз) шакллантирилди; (савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 4187 тани ҳамда хизматлар соҳасида 1135 тани ташкил этди)

- 91,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 20,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 172,6 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 63,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди. (ҳисобот даврида 135 та кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт ҳамда 545 таси томонидан импорт операциялари амалга оширилди)

2019 йилнинг январь-декабрь кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	*кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида*
Қишлоқ,ўрмон ва балиқхўжалиги	7986,1	98,5
Саноат	2825,5	22,2
Қурилиш	2853,8	89,1
Чаканасавдо	4936,6	87,6
Юк ташиш, *млнтн.*	25,4	86,0
Йўловчиташиш, *млн.киши*	133,5	95,9
Экспорт, *млн. АҚШ долл.*	91,2	20,8
Импорт, *млн. АҚШ долл.*	172,6	63,5

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



2019 йил январь-декабрь ойларида 3645 та кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (1468 та) 77,2 фоизга ўсди.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо тармоғида (барча рўйхатдан ўтганларнинг савдо (35,6 %),саноат (20,3 %), қурилиш (14,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (9,8 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (6,8 %) ҳамда ташиш ва сақлаш (3,5 %) ва ахборот ва алоқа (1,8 %) иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз, жамига нисбатан фоиз ҳисобида)



2019 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми



2019 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари



Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан чакана товар айланмаси ҳажмида Нукус шаҳри (1172,1 млрд. сўм), Хужайли (524,1 млрд. сўм) ва Беруний (523,1 млрд. сўм) туманлари етакчилик қилмоқда.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да хизмат кўрсатиш ҳажми ва ўсиш суръатлари



2019 йилнинг январь-декабрь ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши 54,4 фоизни ташкил қилиб, 2018 йилнинг мос даврига (55,2) нисбатан 0,8 фоизга пасайди.

Саноат ишлаб чиқариш соҳасининг юқори улуши Шуманай ва Элликқалъа (жами ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши (100,0 %), Қораўзак (99,9 %), Тахтакўпир (99,7 %), ва Чимбой (90,7 %) туманларига энг паст улишли Нукус шаҳри (6,8 %)га тўғри келади.

Хизматлар соҳасида туман бўйича жами хизмат кўрсатиш ҳажмида кичик тадбиркорликнинг юқори улушлари Қораўзак (жами хизматлар ҳажмига нисбатан улуши 97,8 %), Қонликўл (97,5 %), Беруний (97,4 %), Шуманай (96,9 %) Нукус (96,9 %), Тахтакўпир (96,8 %) Кегейли (96,0 %) ва Тўрткўл (94,7 %) туманларига тўғри келди.

2019 йил IV чорак учун иқтисодий вазиятни баҳолаш,
фоиз ҳисобида



Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан 2019 йил IV чорак якунларига кўра иқтисодий фаолият турлари бўйича янгидан ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, респондентларнинг 41,2 фоизи иқтисодий вазиятни қулай, 56,8 фоизи қониқарли ва 2,0 фоизи қониқарсиз деб баҳолаши кузатилди.

Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳоланаётганлигини хулоса қилиш мумкин.